International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service

Vol. 1 Issue 1 | pp. 541-546 **| ISSN:** XXXX-XXXX

Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

The Role of Improvement Services in the Development of the Green Economy, Assessment of Their Efficiency and Development Directions

К.Б. Уразов*[1]

1. и.ф.д. профессор, А.Ф, Соҳибов (СамИСИ)

Abstract: The article examines the economic, environmental, and social significance of urban improvement and landscaping services in the transition to a green economy. It proposes considering urban improvement not merely as an activity aimed at enhancing the aesthetic appearance of territories, but also as a form of economic activity that contributes to the development of green infrastructure, resource conservation, strengthening urban resilience to climate change, and improving the well-being of the population. The article presents a classification of urban improvement and landscaping services, substantiates indicators for assessing their effectiveness, and identifies organizational and economic directions for the development of this sector.

Keywords: green economy, urban improvement and landscaping services, greening, green infrastructure, ecosystem services, resource efficiency, circular economy, environmental efficiency

Citation: К.Б. Уразов. The Role of Improvement Services in the Development of the Green Economy, Assessment of Their Efficiency and Development Directions. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 541-546.

Received: 12th Aug 2026
Revised: 26th Sept 2026
Accepted: 8th Oct 2026
Published: 23th Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

1. Introduction

Жаҳонда шаҳарлашувнинг жадаллашуви, иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш босимининг ортиши иқтисодий ривожланишнинг экологик чекловларини кучайтирмоқда. Бундай шароитда «яшил иқтисодиёт» табиий капитални сақлаш билан бирга аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган ривожланиш модели сифатида аҳамият касб этади. Ушбу модель саноат ва энергетикадан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ўзгартиришни, жумладан, аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг анъанавий усулларини ресурс тежамкор ва экологик натижага йўналтирилган хизматларга айлантиришни тақозо этади.

Ободонлаштириш амалиётида дарахт ва буталарни экиш, уларни парваришлаш, парк ва хиёбонларни сақлаш, кўча ва жамоат ҳудудларини тозалаш, сув қочириш ва суғориш тармоқларини сақлаш, органик қолдиқлар билан ишлаш каби фаолият турлари ўзаро боғлиқ. Уларнинг натижаси фақат бажарилган ишлар ҳажмида эмас, балки яшил майдонларнинг сақланиши, ёзги иссиқлик таъсирининг камайиши, сувдан оқилона фойдаланиш, жамоат маконининг фойдалилик даражаси ва аҳоли саломатлиги учун қулай шароит яратилишида намоён бўлади.

Ўзбекистонда мазкур йўналишнинг институционал асослари «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси билан боғлиқ. 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармон билан тасдиқланган стратегиянинг дастлабки таҳририда дарахт экиш, яшил майдонлар улушини ошириш ҳамда экилган дарахтларни суғориш ва парваришлаш тизимини йўлга қўйиш вазифалари белгиланган [6]. 2024 йил 25 июндаги ПҚ–234-сон қарорда маҳаллалардаги сервис

компаниялари томонидан кўкаламзорлаштириш, ариқларни тозалаш, кўчат экиш ва парваришлаш, чиқиндиларни саралаш каби хизматларни бажариш назарда тутилган [7].

2. Materials and Methods

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот методологияси

Д. Пирс, А. Маркандья ва Э. Барбье «Blueprint for a Green Economy» (1989) асарида иқтисодий қарорларда табиий капитал ва экологик харажатларни ҳисобга олиш заруратини илмий асослаган [1]. Уларнинг ёндашуви ободонлаштириш харажатларини фақат бюджет сарфи сифатида эмас, балки жамоат фаровонлиги ва табиий муҳит сифатини сақлашга йўналтирилган инвестиция сифатида баҳолашга назарий замин яратади. Бироқ ушбу асар шаҳар ободонлаштириш хизматларининг таннархи ва хизмат кўрсатиш механизмларини махсус тадқиқ этмайди.

К. Цулас, К. Корпела, С. Венн, В. Юли-Пелконен, А. Казмерчак, Я. Ниемеля ва Ф. Жеймс (2007) шаҳарнинг яшил инфратузилмаси экотизимлар ҳолати ва инсон саломатлиги билан ўзаро боғлиқ эканини кўрсатган [2].

Д. Боулер, Л. Буюнг-Али, Т. Найт ва Э. Пуллин (2010) шаҳар кўкаламзорлаштиришининг ҳароратга таъсирига бағишланган эмпирик тадқиқотларни тизимлаштирган; уларнинг иши кўкаламзорлаштириш натижасини фақат экилган дарахтлар сони билан ўлчаш чекланганлигини англатади [3]. Т.

Элмквист ва ҳаммуаллифлар (2013) шаҳарлашув, биохилма-хиллик ва экотизим хизматлари ўртасидаги муносабатларни комплекс таҳлил қилган [4].

Мазкур ишлар экологик натижаларни кенг тушунтиради, лекин маҳаллий ободонлаштириш хизматларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, хизмат шартномаларини натижага боғлаш ва ресурс сарфини ҳисобга олиш масалалари нисбатан кам ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли таҳлил, қиёсий гуруҳлаш, сабаб-оқибат алоқаларини очиш ва кўрсаткичлар тизимини шакллантириш усуллари қўлланилди.

3. Results and Discussion

Таҳлил ва асосий натижалар

Яшил иқтисодиёт нуқтаи назаридан ободонлаштириш хизматларини қуйидаги мазмунга эга иқтисодий фаолият деб таърифлаш мумкин: аҳоли пунктларининг яшил ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш, сақлаш ҳамда экологик ҳолатини яхшилаш орқали ресурслар тежамкорлиги, жамоат макони сифати ва аҳоли фаровонлигини таъминловчи хизматлар мажмуаси. Бунда хизмат бажарувчи ташкилотнинг маҳсулоти кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида иқтисодий (сақлаш харажатлари), экологик (яшил майдон ҳолати) ва ижтимоий (фойдаланиш қулайлиги) натижа келтиради.

Тадқиқотларимиз натижасида ободонлаштириш хизматларини беш гуруҳга ажратиш таклиф этилади:

1-гуруҳ. Кўкаламзорлаштириш ва яшил майдонларни парваришлаш;

2-гуруҳ. Ҳудудларни санитар тозалаш ва чиқиндилар билан ишлашга кўмаклашиш;

3-гуруҳ. Ариқ, суғориш ва ёмғир суви инфратузилмасини сақлаш;

4-гуруҳ. Жамоат макони ва кичик меъморий объектларни эксплуатация қилиш;

5-гуруҳ. Рақамли мониторинг, ландшафт лойиҳалаш ва экологик консалтинг.

Мазкур гуруҳлар фаолиятнинг иқтисодий мақсадига қараб устувор кўрсаткичлар билан баҳоланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг асосийлари 1-жадвалда мужассамлаштирилган.

1-жадвал. Ободонлаштириш хизматларининг яшил иқтисодиётга таъсир йўналишлари ва баҳолаш кўрсаткичлари[1]

№	Хизмат гуруҳлари (йўналишлари)	Яшил иқтисодиётга ҳиссаси	Баҳолаш кўрсаткичи
1	Кўкаламзорлаштириш ва парвариш	Микроиқлим, биохилма-хиллик, соя ва дам олиш муҳити	Яшаб қолган кўчатлар улуши; сифатли яшил майдон, га
2	Ҳудудни санитар тозалаш	Ифлосланишнинг олдини олиш, материаллар айланиши	Сараланган чиқинди улуши; тозалаш таннархи
3	Суғориш ва ариқларга хизмат	Сувни оқилона сарфлаш, яшил майдон барқарорлиги	1 га парваришга сув сарфи; йўқотишлар
4	Жамоат маконларини сақлаш	Пиёдалар учун қулайлик, шаҳар муҳити сифати	Фойдаланиш имкони; мурожаатларни ҳал этиш муддати
5	Рақамли ва ландшафт хизматлар	Мониторинг аниқлиги, режалаштириш ва оптималлаштириш	Мониторинг қамрови; ресурс тежалиши

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ободонлаштириш хизматларининг яшил иқтисодиётга таъсири турли йўналишларда юз беради.

Биринчи таъсир йўналиши - бу табиий капитални сақлаш. Кўчат экиш сонининг ўсиши ўз-ўзидан экологик натижани кафолатламайди; бунда кўчатнинг яшаб қолиши, дарахтлар сояси, ўсимликлар ҳолати ва сув таъминоти билан боғлиқ эксплуатация харажатлари ҳам ҳисобга олиниши зарур. Шу маънода «экиш — суғориш — парвариш — мониторинг — тиклаш» узлуксиз хизмат занжирини жорий этиш ўта муҳим ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш - сув, энергия ва материаллар тежамкорлиги. Масалан, автоматлаштирилган суғориш ва тупроқ намлиги сенсорлари орқали яшил майдонларга сув беришни эҳтиёжга мослаштириш мумкин. Бироқ технологик ечимнинг афзаллиги ҳар бир ҳудудда ўрнатиш қиймати, техник хизмат ва ҳақиқий тежамкорлик ҳисоб-китоблари билан тасдиқланиши керак. Дарахт шохлари, ўрилган ўт ва баргларни тегишли санитар талаблар асосида компостлаш мумкин бўлган ҳолларда органик ресурс сифатида қайта ишлаш ҳам айланма иқтисодиёт тамойилига мувофиқ.

Учинчи йўналиш - бу шаҳар муҳитини иқлим ўзгаришига мослаштириш. Дарахтзорлар ва яшил ҳудудлар қуёш радиацияси таъсирини камайтириш, ёғин сувини ушлаб қолиш ва айрим ифлослантирувчилар таъсирини пасайтиришга кўмаклашиши мумкин. Бу таъсир тур, жойлашув, иқлим ва хизмат сифатига боғлиқ;

[1] Муаллифлар ишланмаси

шу сабабли аниқ ҳисоблашда бир хил меъёрий коэффициентдан универсал фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас [2–4].

Тўртинчи йўналиш - аҳоли фаровонлиги ва маҳаллий иқтисодий фаоллик. Тоза, хавфсиз, сояли ва парваришланган жамоат маконлари пиёда ҳаракатланиш, дам олиш ва ижтимоий алоқалар учун қулай шароит яратади. Ободонлаштириш хизматлари кичик бизнес, махсус техникага хизмат кўрсатиш, кўчатчилик, ландшафт дизайни ва рақамли назорат хизматларига талабни шакллантиради. Бироқ яратилган иш ўринлари сонидан ташқари меҳнат унумдорлиги ва хизмат сифати ҳам баҳоланиши лозим.

Яшил иқтисодиётга қаратилган ободонлаштириш хизматлари самарадорлигини баҳолаш. Бизнинг фикримизча, ободонлаштириш соҳасида фақат бажарилган ишлар ҳажмига асосланган баҳолаш бюджет ёки шартномавий маблағларнинг экологик натижага айланиш даражасини тўлиқ очиб бермайди. Шунинг учун кўрсаткичларни уч даражага ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, Булар: (1) ресурслар сарфи; (2) хизматнинг бевосита натижаси; (3) экологик-ижтимоий ўзгариш. Масалан, сарфланган сув ва маблағ - бу ресурс, парваришланган гектар- бу бевосита натижа, яшил майдоннинг сақланиши ва сояланиш даражаси эса якуний натижа бўлиб ҳисобланади.

Яшил иқтисодиётга қаратилган ободонлаштириш хизматлари самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф этамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал. Яшил иқтисодиётга қаратилган ободонлаштириш хизматлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	Кўрсаткични ҳисоблаш алгоритми
1	1 гектар яшил майдонни сақлаш таннархи (Тга)	**Тга =ЖХ / Ҳям** Бу ерда: ЖХ- яшил майдонни сақлаш таннархи; Ҳям- жами яшил майдон хажми
2	1 гектарга сарфланган сув ҳажми (СҲга);	**СҲга =ЖСҲ / Ҳям** Бу ерда: ЖСҲ- яшил майдонга сарфланган жами сув ҳажми; Ҳям- жами яшил майдон хажми
3	Чиқиндиларнинг сараланган қисми (Счу)	**Счу =Чс/Чж*100** Бу ерда: Чс- сараланган чиыинди ҳажми; Чж- жами чиқинди ҳажми
4	Белгиланган сифат меъёрларига мос майдон улуши (БСММУ)	**БСММУ = БСММҲ/ЖСМҲ*100** Бу ерда: БСММҲ- белгиланган сифат меъёрларига мос майдон ҳажми; ЖСМҲ- жами сараланган майдон ҳажми
5	Кўрсатилган хизматлар бўйича ўз вақтида бажарилган буюртмалар улуши (ЎВББу).	**ЎВББу = ЎВББ / ЖББ*100** **Бу ерда:** ЎВББ – щз ваытида бажарилган буюртмалар сони; ЖББ- жами бажарилган буюртмалар сони

Изоҳ: барча кўрсаткичларни аниқлаш даври ва хизмат тури бир хил бўлиши шарт.

Кўрсаткичларни таққослашни тўғри ташкил этиш учун парк, кўча дарахтзорлари, маҳалла майдонлари ва гулзорларни бир хил эталон билан баҳолаш мумкин эмас. Турли объектларнинг суғориш эҳтиёжи, меҳнат сиғими, майдондан фойдаланиш интенсивлиги ва иқлим шароитлари фарқ қилади. Шу боис кўрсаткичлар объект тури, мавсум ва ҳудуд бўйича нормаллаштирилиши, сифат билан бирга харажатлар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Масалан, ободонлаштириш ташкилоти 20 гектар яшил ҳудудни бир йил сақлашга 600 млн сўм сарфласа, бир гектарга тўғри келадиган харажат 30 млн сўмни ташкил этади. Агар 10 000 туп экилган кўчатнинг 8 500 таси ҳисобот даври охирида яшаб қолган бўлса, яшаб қолиш коэффициенти 85 фоизга тенг. Бироқ ушбу икки соннинг ўзи хизмат самарадорлиги яхшиланганини исботламайди: ўсимлик турлари, дастлабки ҳолат, инфляция, сув тақчиллиги ва хизмат сифати каби омилларни ҳам солиштириш керак.

Яшил иқтисодиётга қаратилган ободонлаштириш хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари. Фикримизча, улар қуйидагилардан иборатдир.

Биринчи йўналиш – бу ободонлаштириш ишларини молиялаштиришда фақат физик ҳажмга эмас, тасдиқланадиган натижага боғланган шартномалар улушини ошириш. Масалан, «экилган кўчатлар сони» кўрсаткичини «бир ва икки мавсумдан кейин яшаб қолган кўчатлар улуши» билан тўлдириш мумкин. Бунда табиий офатлар ва буюртмачининг мажбуриятлари каби шартлар адолатли тартибга солиниши керак.

Иккинчи йўналиш - ободонлаштириш ташкилотларида харажатларни хизмат турлари, объектлар ва технологик операциялар бўйича алоҳида ҳисобга олиш. Сув, ёқилғи, иш вақти, техника-соат ва материал сарфлари иқтисодий таҳлил билан боғланса, қайси жараёнларда тежамкорлик захиралари мавжудлиги аниқланади.

Учинчи йўналиш - GIS[2] хариталари, электрон далолатнома ва геобелгиланган фотосуратлар орқали хизмат ҳажми ва сифати текширувчанлигини кучайтириш.

Тўртинчи йўналиш - «яшил макон» фаолиятида маҳалла, ҳокимлик, буюртмачи ва хусусий сервис ташкилотлари ўртасида масъулиятлар аниқ чегаралаш.

Бешинчи йўналиш- бу самарадорликни баҳолаш тизимида экологик натижа, иқтисодий тежамкорлик ва аҳоли қониқишини биргаликда ўлчаш, бироқ уларни асоссиз равишда битта индексга қўшиб юборишдан сақланиш, агарда интеграл индекс ишлатилса, кўрсаткичларни нормаллаштириш ва вазнларни белгилашни илмий асослаш.

4. Conclusion

Ободонлаштириш хизматлари яшил иқтисодиётнинг маҳаллий даражадаги амалий инфратузилмаси бўлиб, табиий капитални сақлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, шаҳар муҳитини иқлим хавфларига мослаштириш ва аҳоли турмуш сифатига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Шу боис уларни фақат санитар-тозалаш ёки эстетик безатиш ишлари билан чеклаш иқтисодий мазмунни тўлиқ ифодаламайди. Шу боис, тадқиқот асосида қуйидагилар таклиф этилади:

*ободонлаштириш хизматларини экологик натижаси бўйича таснифлаш;

*самарадорликни «ресурс — хизмат — натижа» занжири бўйича баҳолаш;

*объект кесимида харажат ва натурал кўрсаткичларни интеграциялаш;

*кўчат парвариши ва яшил майдон сифатига боғланган хизмат шартномаларини ривожлантириш;

*сув тежовчи технологиялар ва рақамли мониторингни босқичма-босқич жорий этиш.

Мазкур ёндашувларни ҳаётга жорий этиш маҳаллий ободонлаштириш хизматлари учун аниқ меъёрлар ва самарадорлик стандартларини белгилашга хизмат қилади.

REFERENCES

[1] Pearce D., Markandya A., Barbier E. Blueprint for a Green Economy. London: Earthscan, 1989. DOI: 10.4324/9780203097298.

[2] Tzoulas K., Korpela K., Venn S., et al. Promoting ecosystem and human health in urban areas using Green Infrastructure: A literature review // Landscape and Urban Planning. 2007. Vol. 81(3). P. 167–178. DOI: 10.1016/j.landurbplan.2007.02.001.

[2] GIS (Geographic Information System) - ўзбек тилида **географик ахборот тизими (ГАТ)** деб аталади.

[3] Bowler D.E., Buyung-Ali L., Knight T.M., Pullin A.S. Urban greening to cool towns and cities: A systematic review of the empirical evidence // Landscape and Urban Planning. 2010. Vol. 97(3). P. 147–155. DOI: 10.1016/j.landurbplan.2010.05.006.
[4] Elmqvist T., Fragkias M., Goodness J., et al. (eds.). Urbanization, Biodiversity and Ecosystem Services: Challenges and Opportunities. Dordrecht: Springer, 2013. DOI: 10.1007/978-94-007-7088-1.
[5] UNEP. Global Status Report for Buildings and Construction 2025–2026. 2026. https://wedocs.unep.org/handle/20.500.11822/49531 (мавзунинг глобал урбанистик контексти учун).
[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида. https://lex.uz/acts/-6600413 (дастлабки таҳрири).
[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 июндаги ПҚ–234-сон қарори «Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». https://lex.uz/acts/-6997838.
[8] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарори «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». https://lex.uz/acts/-2117709.